

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА  
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**МАМАТКУЛОВ КОМИЛЖОН МАРДАНКУЛОВИЧ**

**ТИЗЗА ҚОПҚОҒИНИНГ НОСТАБИЛЛИГИНИ ТАШҲИСЛАШ ВА  
КАМИНВАЗИВ ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.22 – Травматология ва ортопедия**

**Тиббиёт фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Маматкулов Комилжон Марданкулович**

Тизза қопқоғининг ностабиллигини ташҳислаш ва каминвазив  
жарроҳлик даволашни такомиллаштириш..... 3

**Маматкулов Комилжон Марданкулович**

Оптимизация диагностики и малоинвазивного хирургического  
лечения нестабильности надколенника..... 19

**Mamatkulov Komiljon Mardankulovich**

Optimization of diagnostics and minimally invasivesurgical treatment of  
patellar instability..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 40

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА  
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**МАМАТКУЛОВ КОМИЛЖОН МАРДАНКУЛОВИЧ**

**ТИЗЗА ҚОПҚОҒИНИНГ НОСТАБИЛЛИГИНИ ТАШҲИСЛАШ ВА  
КАМИНВАЗИВ ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.22 – Травматология ва ортопедия**

**Тиббиёт фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/Tib688 рақам билан  
рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-  
саҳифаси ([www.uzniito.uz](http://www.uzniito.uz)), «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) ва Ўзбекистон  
Миллий ахборот агентлиги электрон саҳифасида ([www.uza.uz](http://www.uza.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Каримов Муродулла Юлдашевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Ахтямов Ильдар Фуатович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Россия Федерацияси)

**Дурсунов Ахмат Маликшаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Қозоғистон Узлуксиз Таълим Медицина  
Университети**

Диссертация химояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-  
амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01  
рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб  
ўтади. (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 78 уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-  
mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия  
илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-  
амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан  
рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 78 уй. Тел.: (+99871)  
233-10-30.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Э. Ирисметов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори

**У.М. Рустамова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
тиббиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим

**А.П. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзуси долзарблиги ва зарурати.** Пателлофеморал бўғим (ПФБ) патологияси ҳали ҳам ортопедия учун жиддий муаммо бўлиб қолмоқда ва ушбу касаллик пайдо бўлишига олиб келадиган сабаблар хилма-хилдир. Тизза қопқоғи чиқишлари «tizза бўғими жароҳатлари орасида иккинчи ўринни эгаллаб, 0,4%дан 11,8%гача ташкил этади»<sup>1</sup>. Бундай патология ҳолатларининг «33%дан 37%гача бўлган қисми меҳнатга лаёқатли ёшларда аниқланганлиги»<sup>2</sup> сабабли, муаммо юқори ижтимоий аҳамият касб этади. Диагностика ва жарроҳлик йўли билан даволашни кечикиб ҳамда патогенетик асосланмаган ҳолатда бажариш «47%-60% ҳолларда тизза бўғимининг турли хил вариантлардаги ностабиллигига»<sup>3</sup>, шунингдек беморларнинг доимий ногиронлиги ва ҳаёт даражасининг пасайишига олиб келади. Тизза бўғими соҳадаги патологик жараёнларнинг хилма-хиллигини ташхислаш ва даволаш тактикасининг янги усулларини излаш, ишлаб чиқиш кераклигини кўрсатади.

Жаҳон миқёсида тизза қопқоғи ностабиллигининг самарали каминвазив жарроҳлик даволаш усулларини ишлаб чиқишда илмий тадқиқотлар кенг олиб борилмоқда. Жарроҳлик даволашда қўлланилган: ички ретинакулумни очик усулда тикиш, соннинг тўрт бошли мушагини лавсан ёрдамида медиализация қилиш, ташқи ретинакулум очик релизи, аутотрансплантант ёрдамида тўрт бошли мушак пайи остидан ўтказилиб тикиш, сон суягини коррекцияли остеотомияси, трохлеопластика, соннинг тўрт бошли мушак мобилизацияси, катта болдир суяги ғадир будирлигини медиализация қилиш каби усуллар такомиллаштирилмоқда. Замонавий инновацион технологияларнинг қўлланилиши (артроскопия, МРТ) жароҳатланган пайни тикиш ёки реконструкция қилиш, пластика ёки элементларни имитация қилиш, амалиётнинг ҳажмини белгилаш, жарроҳлик муолажасини бир босқичли ёки икки босқичли равишда ўтказиш масалалари юзасидан илмий изланишлар ўтказилмоқда. Мазкур касаллик ўзининг асоратларига (tizза бўғими контрактуралари, мушаклар гипотрофияси, рецидив ҳолатлари) кўра мураккаб ҳисобланиб, ҳозирги вақтгача пателлофеморал бўғим патологиясини даволаш тактикасини танлашда асосланган қарашларнинг мавжуд эмаслиги сабабли каминвазив ҳамда патогенетик асосланган жарроҳлик усулини ишлаб чиқиш долзарблигича қолмоқда ва ушбу патологияни жарроҳлик даволаш усулларини ишлаб чиқиш зарурияти янада ошмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда пателлофеморал бўғим патологияларида тиббий хизмат даражасини ошириш мақсадида анъанавий жарроҳлик даволаш усулларини ишлаб чиқиш юзасидан катор илмий ишлар олиб

<sup>1</sup> Aglietti P., Buzzi R., De Biase P. et al. (1994) Surgical treatment of recurrent dislocation of the patella // Clin. Orthop. – N. 308. – P. 8-17.

<sup>2</sup> Гиршин С.Г., Лазишвили Г. Д. Коленный сустав: повреждения и болевые синдромы: [рук. по диагностике и лечению повреждений и некоторых заболеваний коленного сустава]. Москва: НЦССХ им. А.Н. БакулеваРАМН. 2007.

<sup>3</sup> Andrish J. (2004). The biomechanics of patellofemoral stability // J. Knee Surgery. – N. 17. – P. 35-39.

борилмоқда. Пателлофеморал бўғим патологиясини жарроҳлик даволашнинг адекват усулини ишлаб чиқиш травматология ва ортопедияда муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда ва ижтимоий ечимини тўлиқ топмаган. Тизза қопқоғининг ностабиллигини тўғри тасҳишлаш, оптимал даво тактикасини белгилаш ва рецидивни камайтиришга қаратилган қатор вазифалар, жумладан «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифатини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташҳис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш...»<sup>4</sup> белгиланган. Бу борада ташҳислаш ва даволашда тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ҳамда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш тизза бўғими жароҳатлари натижасида келиб чиққан ногиронлик кўрсаткичларини камайтиришда катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдами янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4159-сон «Соғлиқни сақлаш тизими ислохотларига илғор хорижий тажрибани жорий этишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ амалда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон адабиётлари тахлили кўрсатадики, тизза қопқоғи ностабиллигини даволашда бажарилаётган жарроҳлик усулларида сўнг асоратлар кўп учраётганлигига, касаллик патогенезига асосланиб, жарроҳлик тактикасининг тўғри танламаслик сабаб бўлади (Crossley K.M., 2016). Тизза қопқоғининг одатий чиқишининг сабаби тизза қопқоғини ушлаб турувчи боғламларнинг бирламчи жароҳати билан биргаликда, тизза бўғимининг ёзувчи аппаратининг анатомик ҳолатининг туғма бузилиши билан узвий боғлиқ, лекин 70% дан ортиқ беморларда иккала сабаб бирга учрайди (Duthon V.B., 2015). Жаҳонда тизза қопқоғини ностабиллигида каминвазив жарроҳлик даволаш усулига катта эътибор берилмоқда (George B., 2018). Тизза қопқоғи ностабиллигида патогенетик асосланган каминвазив жарроҳлик даволаш усулидан фойдаланиш муваффақият гаровидир (Drez J.R., 2001). Пластика усулини танлаш

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

тактикасида аниқ бир ёндошиш йўқлиги ҳайрон қолдирмайди (Steensen R.N., 2012). Тизза қопқоғи чиқишида қўлланилган пластика усулининг натижалари анча ишончли, лекин бу услубга кўрсатма, бошқа реконструктив муолажалар билан бирга қўлланилиши ҳозиргача аниқланмаган (Chassaing V., 2005). Ҳозирги вақтда тизза қопқоғининг чиқишида қўлланилган жарроҳлик усулларининг натижаларини 15% гача рецидив ҳолатлари борлиги ўрганилган (Elias J.J., 2018).

Бизнинг мамлакатимизда тизза қопқоғини ностабиллигида артроскопик усулда ички ретинакулумни тикиш ва спицали аппаратни қўллаш жарроҳлик усули ишлаб чиқилган (Ирисметов М.Ю., Расулов М.Р., 2018). Холмуродов У.Т. (2019) ўзининг тадқиқотида тизза бўғими шикастларининг ўткир даврида тизза бўғимининг эрта артроскопияси афзалликларини исботлаган. Бунга қарамадан, тизза қопқоғини ностабиллигини ташҳислаш ва патогенетик каминвазив жарроҳлик даволаш усулини ишлаб чиқиш ечилмаган вазифалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда, тизза қопқоғининг латерал ностабиллиги муаммоси билан шуғулланадиган чет эл тиббий муассасаларида касалликни ташҳислаш ва даволашни такомиллаштириш (George B., Sutherland M.D, 2018) хусусан, уларнинг стандартини ишлаб чиқиш, каминвазив ва қисқа муддатли жарроҳлик амалиётларини ишлаб чиқиш (Garms E., Carvalho R.T., Janovsky S., 2019), жарроҳликдан кейинги тиклаш муолажаларини такомиллаштириш масаласида илмий изланишлар олиб борилмоқда (Kaiser P., Loth F., Attal R., Kuttman M., 2019). Юқорида кўрсатилганлардан келиб чиққан ҳолда, тизза қопқоғининг посттравматик одатий чиқишининг анатомик ва биомеханик ролининг, шунингдек тизза бўғимининг ёзувчи аппарати ва сон-тизза қопқоғи соҳасидаги диспластик ўзгаришларни инобатга олган ҳолда пластика усулини такомиллаштириш ва асослаш режалаштирилган изланишнинг долзарблигини кўрсатади. Ушбу диссертация иши тизза қопқоғининг ностабиллигида патогенетик асосланган медиопателлофеморал боғламани тиклашнинг янги усулини ишлаб чиқишга бағишланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий ишлари режасига мувофиқ АДСС-15.7.3-сон «Йирик бўғимлар, қўл бармоқ жароҳатлари ва касалликларини комплекс ташҳисотини хирургик даволаш» мавзуси доирасида (2009-2019 йй.) бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тизза қопқоғининг ностабиллигида замонавий ташҳислаш усулларини қўллаш ва жарроҳлик даволаш усулларини такомиллаштириш орқали анатомио-функционал натижаларни яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тизза қопқоғининг ностабиллигида артроскопияни қўллаган ҳолда беморларнинг тизза бўғимини клиник-нурли диагностикасини ҳар томонлама ўрганиш;

тизза қопқоғининг стабил ҳолатини бузилишида янги замонавий каминвазив медиопателлофеморал боғламани соннинг кенг фасциясидан олинган аутотрансплантант ёрдамида тиклаш жарроҳлик даволаш усулини ишлаб чиқиш;

тизза қопқоғининг стабил ҳолатини бузилишида этиологик факторларни ҳисобга олган ҳолда тизза бўғимининг «юқори» ва «қуйи» қаватларида даволашнинг комбинациялашган операциясини ишлаб чиқиш;

беморларни даволашнинг яқин ва узоқ муддатли натижаларини ўрганиш ва даволаш самарадорлигини баҳолаш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2009-2019 йиллар давомида Тошкент тиббиёт академиясининг 2-клиникасида ва Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиалида тизза қопқоғининг ностабиллиги билан даволанган 164 нафар бемор олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида тизза қопқоғининг ностабиллигини жарроҳлик йўли билан даволашнинг турли усуллари ва натижалари олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги усуллар қўлланилди: умумий клиник, ортопедик (гониометрия, ангулометрия), радиологик (стандарт ва аксиал рентгенография), МСКТ, МРТ, артроскопик текширувлар ва статистик таҳлил.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

медиопателлофеморал боғламани соннинг кенг фасциясидан олинган аутотрансплантант ёрдамида тиклашнинг жарроҳлик усули ишлаб чиқилган;

тизза қопқоғи медиализацияси, ташқи ретинакулум релизи, медиопателлофеморал боғламини соннинг кенг фасциясидан олинган аутотрансплантант ёрдамида тиклашдан иборат бўлган комбинациялашган операциялар диспластик ностабилликни даволашда радикал реконструктив операциялар эканлиги исботланган;

тизза қопқоғи ностабиллигини хирургик даволашда оператив муолажаларни тизза бўғимининг «юқори» ва «қуйи» қаватларида бажариладиган кетма-кетлик асосида бажариш ностабилликни даволашда яхши натижалар бериши исботланган;

тизза қопқоғини медиал томондан ушлаб турувчи боғлам сифатида соннинг кенг фасциясидан олинувчи аутоматериалдан фойдаланиш, фасциянинг ўзаро кесишувчи йўналишдаги толалари ва зич бириктирувчи тўқималаридан иборатлигини ҳисобга олган ҳолда, фиксациянинг юқори самарадорлигини таъминлаши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тизза қопқоғининг ностабиллигида медиопателлофеморал боғламани тиклаш учун ишлаб чиқилган каминвазив жарроҳлик усули патогенетик асосланган бўлиб, юқори натижаларни бериши исботланган;

пателлофеморал бўғим дисплазиясида «тизза бўғимининг юқори ва қуйи қаватларидаги комбинациялашган операция»си радикал усул бўлиб, тизза қопқоғининг ностабиллиги сабабини йўқотиши аниқланган.



медиопателлофеморал боғламни тиклашнинг комбинациялашган усули тизза бўғимининг анатомик яхлитлигини тиклаши исботланган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий ишда қўлланилган усуллар, назарий ёндашув ва клиник текширувлар, клиник ва радиологик тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тадқиқот беморларнинг ва материаллар сонининг етарлилиги, клиник-инструментал текширувлар қўлланилиши, олинган натижаларнинг статистик таҳлиллар ёрдамида тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тизза қопқоғининг ностабиллигини ташҳислашда клиник-нурли текширув, МРТ текшируви ва артроскопия муҳимлиги тузилмаларнинг дисплазияси ва жароҳатини аниқлаш, пателлофеморал бўғим биомеханикаси меъёрлиги, тизза бўғими ички тузилмаларининг қўшимча жароҳатларини аниқлаш жарроҳлик усули оптимал тактикасини танлашга имкон беради ва медиопателлофеморал боғламни тиклашда таклиф қилинган каминвазив усул 97,9% ҳолатда асоратсиз кечиши, каминвазивлик ва патобиомеханик асосланганлиги, аутоотрансплантант сифатида соннинг кенг фасцияси ишлатилиши фиксациянинг мустаҳкамлигини таъминлаши, диспластик ностабилликда қўлланилган тизза бўғимининг «юқори» ва «қуйи» қаватларидаги комбинациялашган операция юқори самарадорлик имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, медиопателлофеморал боғламни тиклашда таклиф қилинган усул каминвазивлик ва анатомик тўлиқликни тиклаш жарроҳлик усуллари концепциялари талабларига тўлиқ жавоб беради ва бир қатор афзалликларга эга бўлиб, ушбу бўғимнинг фаолиятини эрта тиклаш ва реабилитация муддатларини камайтириш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тизза қопқоғининг ноостабиллигини даволашни такомиллаштириш мақсадида олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Тизза қопқоғининг ностабиллигини ташҳислаш ва даволаш» номли услубий кўрсатмалар тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 10 апрелидаги 8н-д/69-сон маълумотномаси). Тизза қопқоғининг ностабиллигини оператив усулда даволашда таклиф қилинган тактикани қўллаш натижасида жарроҳлик даволаш сифатини оширди;

ишлаб чиқилган «Тизза қопқоғи чиқишини жарроҳлик усулда даволаш» жарроҳлик усули учун Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 04835-сон патенти, 2014й ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 10 апрелидаги 8н-д/69-сон маълумотномаси). Таклиф этилган усулни қўллаш тизза қопқоғининг ностабиллиги бўлган беморларни даволашнинг яқин ва узоқ муддатли натижаларини яхшилаш, операциядан кейинги рецидив ҳолатининг камайиши ва беморларнинг шифохонада ётиш вақтини қисқаришига имконини берган;

тизза қопқоғининг ностабиллиги мавжуд бўлган беморларни даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида илмий натижалар олинган бўлиб, соғлиқни сақлаш амалиётида қўлланилган, хусусан, Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникасида, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиалида, Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида ва Республика шошилинич тез тиббий ёрдам илмий маркази Навоий филиалида қўлланилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 10 апрелидаги 8н-д/69-сон маълумотномаси). Олинган натижалар рецидив ҳолатини 2.1%гача камайтириши ва беморларнинг шифохонада ётиш муддатини ўртача 4 ўрин-кунга қисқартиришини таъминлаган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 1 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш қисми, 4 та боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 102 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва ҳозирги замон талабларига мослиги асосланган, мақсад, тадқиқот вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган, натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти келтирилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги ҳақидаги маълумотлар берилган, иш натижаларини синовдан ўтказиш ва нашр этиш, диссертациянинг ҳажми ва қисқа тузилиши тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг «**Тизза қопқоғи ностабиллигини ташхислаш ва даволашнинг замонавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи боби адабиётларни ўрганишга бағишланган бўлиб, у тизза қопқоғининг ностабиллиги муаммосини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар ва адабиёт натижаларини таҳлил қилишни кўзда тутадиган учта кичик бўлимлардан иборат. Тизза қопқоғи ностабиллигининг асосий патофизиологик асослари, унинг ривожланишига ва бевосита сабабларига мос келадиган омилларни таъкидлайди. Айрим алоҳида таглавҳалар пателлофеморал бўғим клиник ва радиацион диагностикаси усуллари, пателлофеморал бўғим патологиясининг ўзига хос тестлари ва патогенетик белгилари мавжуд. Бундан ташқари, тизза

қопқоғи ностабиллиги учун энг кўп ишлатиладиган анъанавий жарроҳлик усулларини умумлаштириш ҳам амалга оширилади.

Диссертациянинг «Тизза қопқоғининг ностабиллиги мавжуд бўлган беморларнинг тадқиқот материаллари ва текшириш усуллари» деб номланган иккинчи бобида беморларнинг умумий характеристикаси, шунингдек беморларнинг клиник, инструментал ва радиацион тадқиқотлари хақида маълумот беради.

Бу иш 2009-2019 йилларда Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникаси ва Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали клиникасида тизза қопқоғининг ностабиллиги ташҳиси билан даволанган 164 та беморда олиб борилган диагностика ва даволаш натижаларининг илмий таҳлиliga асосланган.

Барча беморларга қўлланилган жарроҳлик техникаси бўйича қуйидагича тақсимланди: 114 та бемор биз томондан таклиф этилган усулга кўра тизза қопқоғи стабилизацияси жарроҳлик амалиёти ўтказилди, медиопателлофеморал боғламани клиник усулда тиклаш ва катта болдир суяги ғадир-будурлиги медиализацияси 25 та беморда ўтказилди ҳамда Краснов бўйича анъанавий жарроҳлик усули қўлланилган 25 та бемор кузатилди.

Беморларнинг жинсига кўра тақсимлаш: эркалар – 76 (46.3%), аёллар – 88 (53.7%). Тизза қопқоғининг ностабиллиги мавжуд бўлган беморларнинг ўртача ёши 29.8 ни ташкил этади. Эрка беморларнинг ёши 18 ёшдан 57 ёшгача (ўртача 26.5 ёш), аёл беморларнинг ёши 18 дан 62 ёшгача (ўртача 32.9 ёш). Тизза қопқоғининг ностабиллиги билан оғриган беморлар орасида ёш ва меҳнатга лаёқатли ёшдаги (20 ёшдан 30 ёшгача) беморлар – 76.7% ни ташкил қилади, уларнинг 30% аёл беморлардир.

Бундан ташқари, анамнез йиғишда ретроспектив таҳлил билан, узоқ давом этган сурункали касаллиги бўлган – 48 (31.4%) беморларда касалликнинг қайталаниши кузатилган (1-жадвал).

1-жадвал

Тизза қопқоғи ностабиллиги мавжуд бўлган беморларни клиник текширув натижалари

| Беморлар сони                    | Fairbank тести | Mc Connell тести | Латерал чиқишга қаршилик тести | Тизза қопқоғининг ёнбошга қийшайиш тести |
|----------------------------------|----------------|------------------|--------------------------------|--|
| Умумий текширилган беморлар сони | 136            | 136              | 135                            | 134                                      |
| Ижобий тест (беморлар сони)      | 136            | 136              | 135                            | 32                                       |
| Ижобий тест (% ҳисобида)         | 100            | 100              | 100                            | 23,9                                     |

Касалликнинг учрашига қараб: 6 (3.7%) ҳолда – икки томонлама, 91 (55.5%) – ўнг томонлама, 67 (40.8%) – чап томонлама тизза қопқоғининг ностабиллиги кузатилди. Тизза қопқоғининг ностабиллигининг этиологик сабабларига кўра: анамнезида травма борлиги – 96 та бемор (58.5%), травмани эслай олмаслиги – 57 та бемор (34.7%), болалиқдан касал – 11 (6.8%) беморлар ташкил қилади.

Laurin ва Merchant усуллари бўйича ўтказилган рентген текширув маълумотларига кўра, қуйидаги натижалар (2-жадвал), МРТ текшируви натижалари (3-жадвалда) келтирилган.

2-жадвал

Laurin ва Merchant усуллари бўйича пателлофеморал бўғим рентгенографиясининг натижалари

| Рентгенологик кўрсаткичлар (беморлар умумий сони, n=136) | Мусбат тест натижаларига эга касалларда латерал пателлофеморал бурчак ўртача кўрсаткичи, n=131 | Мусбат тест натижаларига эга касалларда соннинг эгат бурчаги ўртача кўрсаткичи, n=64 | Мусбат тест натижаларига эга касалларда мувофиқлик бурчаги ўртача кўрсаткичи, n=52 |
|--|--|--|--|
|  |  | > 45°  | 147°   |
| Ишончилилик индекси                                      | P>0.05   | P<0.05   | P>0.05   |

164 та кузатувдан 108 (65.8%) тасида МРТ текшируви ўтказилди, бу эса аниқ ташҳис қўйиш, бўғим ички тузилмаларининг шикастланишини аниқлаш ва қўшимча патологиялар мавжудлигини аниқлаш имконини берди. Тизза қопқоғи ностабиллигида юмшоқ тўқималар зарарланиши мумкинлигини ҳисобга олсак, тизза бўғими ички тузилмаларининг жароҳатига ўхшаш шикастланиш кузатилиши мумкин, диагностикада танланган усул сифатида магнит-резонанс томография усули қўлланилди. Тадқиқот натижасида қуйидаги ташҳис аниқ бўлди: тизза қопқоғининг латерал ностабиллиги, медиал стабилизаторининг зарарланиши билан, пателланинг сублюксацияси 21 ҳолатда (19.4%); менискларнинг биргаликдаги жароҳатланиши – 87 (80.5%) ҳолатда; тизза бўғимининг синовит белгилари – 55 (50.9%) ҳолатда; тизза бўғимининг остеоартрози – 41 (37.9%) ҳолатда; сон ва болдир кондулусларининг лати, параартикуляр шиш – 5 (4.6%) ҳолатда; Гофф таначаларининг жароҳати, синовиал хондроматоз ва субхондрал синиш мавжудлиги – 3 (2.7%) ҳолатларда кузатилди.

Тизза қопқоғининг ностабиллигида тизза бўғимларининг МРТ натижалари

| МРТ маълумотларидаги қўшимча жароҳатлар,<br>n=108 (65,8%)   | Кузатувлар<br>сони | %    |
|---|--------------------|------|
| Медиал мениск шикастланиши<br>(қисман, тўлиқ, дегенератив)  | 87                 | 80,5 |
| Олдинги хочсимон боғлама жароҳати                           | 5                  | 4,6  |
| Тизза қопқоғининг латерал ностабиллиги                      | 21                 | 19,4 |
| Синовит   | 55                 | 50,9 |
| Гемартроз   | 3                  | 2,7  |
| Тизза бўғими остеоартроз белгилари                          | 41                 | 37,9 |
| Кисталар (параменискли, супрапателлар, тизза<br>тақим ости) | 4                  | 3,7  |
| Суюк шиши, параартикуляр шиш                                | 5                  | 4,6  |
| Гофф таначаларининг жароҳати                                | 1                  | 0,9  |
| Синовиал хондроматоз  | 1                  | 0,9  |
| Субхондрал синиш  | 1                  | 0,9  |

Диссертациянинг «Тизза қопқоғининг ностабиллиги мавжуд бўлган беморларни жарроҳлик усулида даволаш ва реабилитация қилиш» деб номланган учинчи бобида пателлофеморал бўғим жароҳатларини жарроҳлик усулида даволашга оптимал ёндашган ҳолда замонавий диагностика ва даволаш тактикаси батафсил баён қилинган. Диспластик ўзгаришлар натижасида келиб чиққан тизза қопқоғининг ностабиллигида бўғимнинг юқори қаватидаги (юмшоқ тўқималар тузилмалари) ва пастки қаватида (суюк тузилмалари) комбинациялашган операциялар ўтказилган.

Тизза қопқоғини даволашнинг аънанавий жарроҳлик усуллари ўтказилгандан сўнг, 25 та беморда (17%) катта травматик чандиқ (косметик нуқсон) ва реабилитация даврида қийинчиликлар билан кечган. Шунингдек, таклиф қилинган медиопателлофеморал боғламанинг соннинг кенг фасциясидан олинган аутотрансплантант ёрдамида тиклаш жарроҳлик усули батафсил ёритилган. Шулардан 98 та (59,7%) беморда артроскопия усули қўлланилган ва қўшимча жароҳатлар - 71 та (43,3%) беморда менисклар жароҳати, 4 та (2,4%) беморда хондром танача мавжудлиги, 1 та (0,6%) беморда синовиал хондроматоз аниқланган. Келтирилган комбинациялашган жарроҳлик усуллари қўлланилгандан кейин, тизза бўғимига функционал босим тикланиш натижаларини инобатга олган ҳолда 3-4 ойдан кейин руҳсат берилади.

Тадқиқот давомида 136 (88.9%) та беморга дастлаб консерватив даво усуллари қўлланилган (бўғимдаги суюқликнинг аспирацияси, иммобилизацияси, физиотерапияси), лекин бу самара бермаган.

Тадқиқот натижалари тизза қопқоғининг латерал ностабиллигида амалга оширилган операциялар турини ва сонини намоён қилади (4-жадвал)

4-жадвал

Тизза қопқоғининг ностабиллигида операциялар сони ва усуллари

| Операция тури   | Операциялар сони | %    |
|---|------------------|------|
| Артроскопия   | 98               | 59,7 |
| Клиник усулда тизза қопқоғинининг каминвазив стабилизация усули                                 | 114              | 69,5 |
| Медиопателлофеморал боғлама клиник усулда тиклаш ва катта болдир ғадир-будурлиги медиализацияси | 25               | 17   |
| Краснов бўйича стабилизация қилиш   | 25               | 17   |
| Менискэктомия   | 71               | 43,3 |
| Синовкапсулэктомия  | 1                | 0,6  |
| Симптоматик операциялар (хондром таначани олиш, хондропластика)                                 | 4                | 2,4  |

Келтирилган натижаларга кўра, тизза қопқоғининг ностабиллиги диагностикасида албатта МРТ текшируви ўтказилиши билан бирга ташхисни аниқ тасдиқлаш учун, шунингдек МРТ текширувида кўрсатилган интраартикуляр жароҳатлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш учун тизза бўғимининг артроскопияси (98 ҳолатда – 59.7%) қўлланилиши операциянинг дастлабки босқичи сифатида бажариш мақсадга мувофиқ.

Тизза қопқоғининг ноостабиллигида даволаш тактикасини танлаш, операция турига кўрсатмаларнинг барча хусусиятларини чуқур таҳлил қилган ҳолда батафсил ёритилган. Операциядан олдинги тайёргарлик, анестезиологик қўлланмани танлаш, илгари қўлланилган усулларнинг

камчиликлари, рецидив ҳолатлари ва операциядан кейинги асосий асоратлар келтирилган.

Таққослаш учун, тизза қопқоғининг ностабиллиги мавжуд бўлган беморларни даволаш учун қўлланилган жарроҳлик усулларининг ва тавсия этилган усулнинг мазмуни батафсил келтирилган.

Таклиф этилган усулнинг вазифаси тизза қопқоғининг ностабиллигини даволаш усулининг юқори самарадорлиги, операциядан кейинги асоратлар ва рецидив камлиги, замонавий усулларнинг барча афзалликларига эга бўлган даволаш усулини яратиш эди.

Тизза қопқоғининг ностабиллигини даволашда таклиф қилинган соннинг кенг фасциясидан олинган аутотрансплантант ёрдамида медиопателлофеморал боғламни каминвазив усулда тиклаш қуйидаги афзалликларга эга:

1) тизза қопқоғининг ностабиллигини патогенетик сабабларини бартараф этишга қаратилган минимал инвазив усул;

2) пателлофеморал бўғимнинг суяк ва юмшоқ тўқималари тузилмаларида ўтказиладиган жарроҳлик усул;

3) аутотрансплантант сифатида соннинг кенг фасциясидан олинади, чунки фасция ўзаро кесишувчи йўналишдаги толалар билан зич бириктирувчи тўқимадан иборат бўлиб, фиксацияни юқори самарадорлигини таъминлайди;

4) минимал инвазив жарроҳлик, беморларни қисқа муддатда тиклашини таъминлайди, меҳнатга лаёқатсизлик вақтини камайтиради.

Диссертациянинг «**Тизза қопқоғининг ностабиллиги билан оғриган беморларни жарроҳлик даволашнинг энг яқин ва узоқ муддатли натижалари**» деб номланган тўртинчи боби тизза қопқоғининг ностабиллигида бажарилган операциялар (медиопателлофеморал боғламни минимал инвазив реконструкция қилиш, катта болдир ғадир-будурлиги медиализацияси ва Краснов бўйича стабилизация операцияси) ёрдамида даволаш натижаларининг самарадорлигини баҳолаш ўтказилган. Шу мақсадда дастлабки мурожаат ва операциядан 6 ойдан сўнгги дастлабки текширув маълумотлари билан қиёсий клиник текширув ўтказилди (5-жадвал).

Хозирги кунга қадар пателлофеморал бўғим ҳолатини баҳолаш учун травматолог-ортопедларнинг қўлидаги ягона восита Kujala сўровномаси (Kujala U.M., Osterman K., Komano M. et al. Scoring of patellafemoral disorders // Arthroscopy. – 1993. – Vol. 9. – P. 159-163) ҳисобланади. Функционал саломатлик ҳолатини объектив ва визуал баҳолаш учун ҳамда бўғимнинг бошланғич ҳолатини текшириш учун беморлар, клиникага қабул қилинганда, пателлофеморал бўғим ҳолатини аниқловчи Kujala (1993) баҳолаш сўровномасини тўлдирдилар. Беморларнинг динамик кузатуви, ўтказилган жарроҳлик амалиётидан 3,6,12 ва 18-36 ойлардан сўнг қайта мурожаати пайтидаги Kujala (1993) баҳолаш сўровномасини қайта тўлдириши ва клиник текширув ёрдамида бажарилди.

## Беморларнинг клиник текширув ва динамик кузатув вақтидаги маълумотлар


| Операциялар/мезонлар  |                                 | Fairbank<br>тести | Mc<br>Connell<br>тести | Латерал<br>чиқишга<br>қаршилик<br>тести | Тизза<br>қопқоғининг<br>ёнбошга<br>қийшайиш<br>тести |
|---|---------------------------------|-------------------|------------------------|---|--|
| медиопателлофеморал боғлама каминвазив усулда тиклаш операцияси                                 | n                               | 114               | 114                    | 114                                     | 114  |
|   | Ижобий сони (операциядан олдин) | 114 (100%)        | 114 (100%)             | 114 (100%)                              | 17 (14,9%)   |
|   | Ижобий сони (операциядан сўнг)  | 3 (2,6%)          | 3 (2,6%)               | 3 (2,6%)                                | 3 (2,6%)   |
| медиопателлофеморал боғлама клиник усулда тиклаш ва катта болдир ғадир-будурлиги медиализацияси | n                               | 25                | 25                     | 25                                      | 25   |
|   | Ижобий сони (операциядан олдин) | 25 (100%)         | 25 (100%)              | 25 (100%)                               | 14 (56%)   |
|   | Ижобий сони (операциядан сўнг)  | 6 (24%)           | 6 (24%)                | 6 (24%)                                 | 7 (28%)  |
| Краснов бўйича стабилизация операцияси  | n                               | 25                | 25                     | 25                                      | 25   |
|   | Ижобий сони (операциядан олдин) | 25 (100%)         | 25 (100%)              | 25 (100%)                               | 23 (92%)   |
|   | Ижобий сони (операциядан сўнг)  | 10 (40%)          | 10 (40%)               | 10 (40%)                                | 10 (40%)   |

Беморларни кузатишнинг узоқ натижалари диаграмма шаклида кўрсатилган (1-расм).

Кујала пателлофеморал бўғим сўровномаси ёрдамида беморларни сўров ўтказиш қуйидагиларни аниқлашга ёрдам берди: медиопателлофеморал боғламни соннинг кенг фасциясидан олинган аутотрансплантант ёрдамида каминвазив тарзда тиклаш ўтказилган беморларда ўртача 49.6 балл ва динамик кузатувда операциядан 18-36 ойдан кейин 85.3 баллни ташкил қилди, ўртача балл 35.7 (71%) га ошди ва бу кўрсаткич юқори самадорликни билдиради; медиопателлофеморал боғламани клиник усулда тиклаш ва катта



болдир ғадир-будурлиги медиализацияси операцияси ўтказилган беморларда ўртача 49.6 баллни, ташкил этди. Динамик кузатувлар натижасида операциядан 18-36 ой ўтгач, 75.2 баллни ташкил этиб, ўртача 25.6 балл(51%) га ўсди; Краснов усули бўйича операция қилинган беморлар 49.6 баллдан (18-36 ойдан сўнг) 63.2 баллгача ошди, ўртача 13.6 баллни (27.4%) ташкил қилади ва бу самарадорлик нисбатан пастлигини кўрсатади.



1-расм. Тизза қопқоғининг ностабиллиги мавжуд бўлган беморларнинг динамик кузатув натижалари

3,6,12 ва 18-36 ойлардан кейинги динамик кузатувлар натижасида таклиф қилинган жарроҳлик усулида даволанган беморларнинг умумий аҳволи ва пателлофеморал бўғим ҳолати сезиларли даражада яхшиланди, бу эса ўз навбатида ушбу усулнинг самарадорлигини таъкидлайди. Дисплазия ҳолати аниқланган беморларда медиопателлофеморал боғлама клиник усулда тиклаш ва катта болдир ғадир-будурлиги медиализация операцияси биргаликда ўтказилган беморларнинг натижалари ҳам ижобий тенденцияга эга. Тизза қопқоғининг ностабиллигида бажарилган Краснов операциялари қониқарсиз натижаларни намоён қилмоқда ва ўз навбатида унинг самарадорсизлигини кўрсатади.

Таклиф қилинган медиопателлофеморал боғламни соннинг кенг фасциясидан олинган аутотрансплантанг ёрдамида каминвазив тарзда тиклаш операцияси ўтказилган беморлар 3 йил давомида кузатилди. Кузатув даври мобайнида 139 та ўтказилган операциядан тизза қопқоғининг қайта чиқиши - рецидив 3 ҳолатда (2.1%) кузатилди. 2 та ҳолатда бемор йиқилиб травма олган ва 1 ҳолда бемор иммобилизацияни вақтидан олдин ўзбошимчалик билан тўхтатган. Бундай жарроҳлик усули бошқа анъанавий усуллар билан солиштирганда, рецидив ҳолати камлигини ҳисобга олиб самарали ва патогенетик асосга эга ҳамда афзал ҳисобланади.

## ХУЛОСАЛАР

1. Пателлофеморал бўғимни тўлиқ клиник ва радиологик баҳолаш ва артроскопиянинг қўлланилиши пателлофеморал бўғимнинг барча хусусиятларини аниқлаш, дисплазия мавжудлиги, тизза бўғимида интраартикуляр жароҳатлар борлиги, қўшимча патологияларни аниқлаш ҳамда тизза қопқоғини чиқиш ҳолатида даволаш усулини танлаш имконини беради.

2. Краснов усули бўйича бажарилган операциялар оқибатида беморларнинг очик жарроҳлик аралашуви натижалари қониқарсиз асоратларнинг юқори даражада эканлигини кўрсатди ва кўп сонли касалликнинг қайталанишига – рецидивга олиб келди. Рецидивнинг асосий сабаби жарроҳлик амалиётини танлаш, пателлофеморал бўғим тузилмаларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмасдан эмпирик тарзда амалга оширилганлигидадир.

3. Тизза қопқоғининг ностабиллигини даволашда биз томондан ишлаб чиқилиб ва таклиф қилинган усул, яъни артроскопиядан фойдаланиб, медиопателлофеморал боғламни соннинг кенг фасциясидан аутотранслантант ёрдамида каминвазив усулида тиклаш, техник жиҳатдан оддий ва иқтисодий жиҳатдан сарф-харажат талаб қилмайдиган, патогенетик асосли даволаш усули ҳисобланади.

4. Тизза бўғимининг «юқори» ва «қуйи» қаватларида бажариладиган комбинациялашган операцияларни диспластик ўзгаришлар ва рецидив ностабилликни даволашда кўрсатма бўлиб ҳисобланади.

5. Таклиф этилган усулда операция қилинган беморларда 3 йилгача бўлган муддатда узок натижаларини ўрганиш вақтида юқори самарадорлик (98,9%) ва 3 та (2.1%) рецидив ҳолати қайд этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ  
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ  
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ТРАВМАТОЛОГИИ И ОРТОПЕДИИ**  

---

**ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ**

**МАМАТКУЛОВ КОМИЛЖОН МАРДАНКУЛОВИЧ**

**ОПТИМИЗАЦИЯ ДИАГНОСТИКИ И МАЛОИНВАЗИВНОГО  
ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ НЕСТАБИЛЬНОСТИ  
НАДКОЛЕННИКА**

**14.00.22 – Травматология и ортопедия**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам**

**ТАШКЕНТ – 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.2.PhD/Tib688.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице по адресу ([www.uzniito.uz](http://www.uzniito.uz)), Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) и Национальное информационное агентство Узбекистана ([www.uza.uz](http://www.uza.uz)).

**Научный руководитель:**

**Каримов Муродулла Юлдашевич**  
доктор медицинских наук

**Официальные оппоненты:**

**Ахтямов Ильдар Фуатович**  
доктор медицинских наук, профессор  
(Российская Федерация)

**Дурсунов Ахмат Маликшаевич**  
доктор медицинских наук, старший научный  
сотрудник

**Ведущая организация:**

**Казахский Медицинский Университет  
Непрерывного Образования**

Защита диссертации состоится « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета по присуждению учёных степеней DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре травматологии и ортопедии (Адрес: 100147, г.Ташкент, ул. Махтумкули,78. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр травматологии и ортопедии).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра травматологии и ортопедии (зарегистрирована за № \_\_\_\_\_). Адрес: 100147, г. Ташкент, ул. Махтумкули,78. Тел.: (+99871) 233-10-30.

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 года.

(Реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2020 года.

**М.Э.Ирисметов**

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

**У.М. Рустамова**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат медицинских наук, старший научный сотрудник

**А.П. Алимов**

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней доктор медицинских наук

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Патология пателлофemorального сустава до сих пор остается серьезной проблемой ортопедии, а причины, обуславливающие возникновение данного симптомокомплекса весьма многообразны. Вывихи надколенника занимают второе по частоте место среди повреждений коленного сустава и «составляет от 0,4% до 11,8% среди всех внутренних повреждений коленного сустава»<sup>1</sup>. Высокой социальной значимостью проблемы, обусловленной тем обстоятельством, что такая патология, «по данным различных исследователей, чаще всего выявляется у лиц молодого трудоспособного возраста, составляющих от 33 до 37% пациентов»<sup>2</sup>. Несовершенство и несвоевременность диагностики травм коленного сустава и, дальнейшее «патогенетически необоснованное лечение в 47%-60% случаев приводит к развитию различных вариантов нестабильности коленного сустава»<sup>3</sup> и инвалидности, ухудшая качество жизни больных. Многообразие патологических процессов данной области диктует необходимость поиска новых методов ее диагностики и лечения.

На мировом уровне проводятся научные исследования по разработке высокоэффективных методов диагностики и малоинвазивных методов хирургического лечения нестабильности надколенника. После проведенных хирургических операций нестабильности надколенника, таких как: открытое зашивание медиального ретинакулума, медиализация четырехглавой мышцы бедра при помощи лавсана, открытый релиз наружного ретинакулума, аутопластика связки, проведенная под сухожилие четырехглавой мышцы бедра, коррегирующая остеотомия бедра, трохлеопластика, мобилизация четырехглавой мышцы бедра, медиализация бугристости большеберцовой кости увеличивается количество осложнений (контрактура коленного сустава, гипотрофия мышц, рецидивы), что обуславливает необходимость в разработке новых малоинвазивных высокоэффективных методов. Несмотря на то, что с применением инновационных высокотехнологических методов (артроскопия, МРТ) сшивания связок или реконструкции, пластика или имитация элементов, определение объема операции, проведение хирургического вмешательства, одноэтапное или двухэтапное проведение операций, разработка малоинвазивных хирургических способов остается нерешенной проблемой. Таким образом, данная проблема представляется чрезвычайно сложной и до настоящего времени нет единого мнения относительно выбора лечебной тактики при патологии пателлофemorального сустава, что повышает актуальность данной патологии.

---

<sup>1</sup> Aglietti P., Buzzi R., De Biase P. et al.(1994) Surgical treatment of recurrent dislocation of the patella // Clin. Orthop. – N. 308. – P. 8-17.

<sup>2</sup> Гиршин С.Г., Лазишвили Г. Д. Коленный сустав: повреждения и болевые синдромы: [рук. по диагностике и лечению повреждений и некоторых заболеваний коленного сустава]. Москва: НЦССХим. А. Н. БакулеваРАМН. 2007.

<sup>3</sup> Andrish J. (2004). The biomechanics of patellofemoral stability // J. Knee Surgery. – N. 17. – P. 35-39.

В настоящее время в нашей стране проводятся научные исследовательские работы по разработке малоинвазивных хирургических методов для повышения качества медицинского обслуживания при патологии пателлофemorального сустава. По мнению некоторых специалистов, разработка методики адекватного хирургического лечения патологии пателлофemorального сустава, остается актуальной проблемой травматологии и ортопедии, и относится к числу важнейших социальных проблем, требующих серьезного разрешения.

